

7. Felsenstein, Daniel, Masha Vernik, and Yael Israeli. "Household insurance expenditure as an indicator of urban resilience." *International journal of disaster risk reduction* 31 (2018): 102-111.
8. Kahneman, Daniel, Jack L. Knetsch, and Richard H. Thaler. "Anomalies: The endowment effect, loss aversion, and status quo bias." *Journal of Economic perspectives* 5.1 (1991): 193-206.
9. O'zbekiston Respublikasi Markaziy Banki axboroti: <https://cbu.uz/upload/iblock/8a3/Nedvzhimost-4-kv.-2021.pdf>
10. Sug'urta bozorini rivojlantirish agentligi hisoboti. - <https://imda.uz/uz/9-oylik-2022/>
11. Mahmudov, S. "IMPROVEMENT OF UNCONVENTIONAL METHODS OF FINANCING INVESTMENT ACTIVITIES." *International Finance and Accounting* 2020.5 (2020): 22.
12. Mahmudov, S. (2021). Логистик компанияларни молиялаширишда хориж тажрибаси. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (3), 13–20. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11862



СОЛИҚ ТҮЛӘШДАН ҚОЧИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ФИСКАЛ НАЗОРАТИ ИНСТРУМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Ахмедов Феруз Баходирович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси

doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a50

Аннотация. Мазкур мақолада республикамизда янги тараққиёт стратегиясида солиқ-бюджет тизими самарадорлигини таъминлаш ҳақида сўз боради. Солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиши солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаршида ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ хавфини таҳлил қилиш ва натижаларини баҳолаш бўйича таҳлика-таҳлил методикасидан фойдаланиш бўйича тадқиқот олиб борилган, таҳлика-таҳлилнинг хориж тажрибаси ўрганилган, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калим сўзлар: солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуллар ва воситалар, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ИНСТРУМЕНТОВ ФИСКАЛЬНОГО КОНТРОЛЯ ДЛЯ УКЛОНЕНИЯ ОТ УПЛАТЫ НАЛОГОВ

Ахмедов Феруз Баходирович -
Независимый исследователь
Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В данной статье речь идет об обеспечении эффективности налогово-бюджетной системы в новой стратегии развития нашей республики. Широкое внедрение современных информационно-коммуникационных технологий и передовых автоматизированных методов анализа в процесс налогового администрирования, всестороннее содействие налогоплательщикам в исполнении их налоговых обязательств, разработка эффективных механизмов предупреждения налоговых правонарушений, исследования по использованию аналитических методов для анализируя налоговые риски и оценивая их результаты, изучен зарубежный опыт анализа рисков, сформированы научно-практические выводы и предложения по его применению в нашей стране.

Ключевые слова: налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

WAYS TO USE MODERN FISCAL CONTROL INSTRUMENTS TO AVOID PAYING TAXES

Akhmedov Feruz Bakhodirovich -
Independent researcher of Tashkent
State University of Economics

Annotation. This article deals with ensuring the effectiveness of the fiscal system in the new development strategy of our republic. Widespread introduction of modern information and communication technologies and advanced automated methods of analysis in the process of tax administration, comprehensive assistance to taxpayers in the fulfillment of their tax obligations, development of effective mechanisms for preventing tax offenses, research on the use of analytical methods for analyzing tax risks and evaluating their results, studied foreign experience risk analysis, scientific and practical conclusions and proposals for its application in our country have been formed.

Key words: tax revenues, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, advanced information and communication technologies, analysis, optimization, tax incentives, tax rate.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев молия-хўжалик фаолиятини текширишга нисбатан эълон қилинган мораторийнинг муддати тугагани, лекин бу яна эски усулда ёппасига текшир-текширларни бошлаб юбориш мумкин дегани эмаслиги, 2020 йилнинг биринчи чорагида, илғор тажрибалар асосида, барча даражадаги назорат қилувчи идораларда янги замонавий тизим жорий этилиши шартлигини қайд этди[3]. Бугунги кунда солиқ текшируви янги инструментларидан фойдаланиш институти назарий асослари мазмунини маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи ва солиқ ҳуқуқи манбалари асосида бойитади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги замонавий усул ва шаклларини жорий этишда ҳалқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган тавсиялар муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан илгари сурилаётган янги лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши мазкур мавзунинг долзарблигини билдиради.

Мавзуга оид адабиётлар шархи. Ж.Шумпетер хавфларнинг икки турга бўлинишини таклиф қиласди: ишлаб чиқаришда мумкин бўлган техник носозлик билан боғлиқ хавф ва тижорат муввафқиятининг етишмаслиги билан боғлиқ хавф [4].

А.К.Покровский кўриб чиқиш учун хавфнинг таркибий хусусиятларини таклиф қиласди: хавф, хавфга мойиллик, хавфга сезгирилик (заифлик), бошқа хавф-хатарлар билан ўзаро таъсир қилиш, хавф ҳақида мавжуд маълумотлар, хавф миқдори, хавф билан боғлиқ харажатлар (харожатлар), ўзига хослик хавфлар [5].

А.Аронов, В.Кашин ўз тадқиқотида эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг хориж ва Россия Федерациясида ундириш механизмини ўргангандан ҳолда солиқ тўлашдан бош тортган солиқ тўловчилар билан ишлаш сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келгусида ҳар бир солиқ тўловчи ўз хоҳиши билан солиқ тўлаш мажбурияти бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишига ҳамда ушбу тавсияларни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш соҳасида қўллаб, уни исботлашган ва бир қатор амалий чораларни амалга оширишган [6].

Лекин И.Жалонкинанинг фикрларидан бутунлай бошқача таклиф билан Тошматов "Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли тўғрисида"ги китобида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда уларнинг дебитор ва кредитор қарзларини қисқартириш ва уларнинг фаоллигини ошириш орқали ундириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар берган [7].

А.Смитнинг фикрига кўра, солиқларни тўлаш учун шахс ўша тўловни қаердан олишга

эга бўлиши керак. Даромадларга эга бўлсагина тўлаши ва барча даромадлар З манбадан пайдо бўлиши мумкин. Булар ер, капитал ва меҳнатдан, қолган барча даромад турлари иккиласми ва охир-оқибат юкорида номи келтирилган З турдан шаклланади [9].

В.А.Андреева томонидан солиқ тўловчилар томонидан солиқ интизомига риоя қилинмаслик сабаблари тадқиқ қилинган, солиқса оид билимларни оширишга оид усуллар таҳлил қилиниб, солиқ тўловчиларга давлат ҳамкори сифатида хизматни такомиллаштириш усуллари таклиф қилинган [10].

А.Л.Кузнецовнинг фикрига кўра, солиқ тўловчи давлатнинг ҳамкори, буни солиқ органлари ходимлари томонидан тушуниб етмасдан, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг солиқ саводхонлиги ва маданиятини ошириб бўлмаслиги, Калачева томонидан солиқса оид ҳуқуқ-бузарликка қарши курашиш орқали аҳолининг солиқ маданиятини ошириш юзасидан тадқиқот олиб бориб, солиқ маданиятини оширишга тўсиқ бўлаётган омиллар ва асосий муаммолар тадқиқ этилган [11].

Тадқиқот методологияси. Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг стратегик ва тактик йўналишлари билан боғлиқ илмий тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилиб, таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг молия-лаштириш функциялари самарадорлигини ошириш солиқ сиёсатини ҳалқаро стандартларга мослаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришни тақозо этади. Зоро, солиқ маъмуриятчилигининг асосий вазифаси солиқ ва йиғимларнинг ўз вақтида бюджетга тўғри тўланишини таъминлаш ҳамда ушбу жараёнда солиқ тўловчилар билан тўғридан-тўғри муносабатга киришишни талаб этувчи институт – солиқ текширувлари алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, бугунги кунда камерал солиқ текширувлари йўналишида солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг натижадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Солиқ кодексининг 138-моддасига мувофиқ, 2022 йил 1 январдан бошлаб текширувдан олдинги таҳлиллар амалиётга жорий қилинди [1]. Бу эса текширувдан олдинги таҳлиллар тақдим этилган солиқ ҳисоботини ва солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотни солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, солиқ тўловчининг иштирокисиз ўтказиладиган автоматлаштирилган таҳлил ҳисобла-

нади. Текширувдан олдинги таҳлил солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) буйрүғисиз “Автокамерал” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тизимда жорий қилингандан 350 тадан ортиқ мезон мантиқий шартлар ва алгоритмлар асосида ҳисоб-китоби амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу автоматлаштирилган тизимнинг жорий қилиниши солиқ тўловчиларга бир қатор афзаликлар яратади. Жумладан:

солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ҳисобланиши ҳамда тўланишини таъминлашда кўмаклашади;

уларнинг фаолиятида юзага келган солиқ-қа оид ҳуқуқбузарликларни мустақил равишда бартараф этиш имконини беради;

уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган молиявий жарималар, маъмурий ёки жинойи жавобгарлик чораларининг олди олинишини таъминлашга хизмат қиласди;

уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиб ва коррупция ҳолатларини чеклаш ҳамда маъмурий босимларни камайтиришга имконият беради.

Хусусан, жорий йилнинг январь-август ойларида камерал солиқ текширувларидан олдинги таҳлилларда ва текширув жараёнида аниқланган тафовутлар юзасидан 48,4 мингта субъект ихтиёрий равишда аниқлаштирилган солиқ ҳисботларини тақдим этиб, бюджетга қўшимча 3 579,6 млрд. сўмлик солиқлар ва йиғимлар ҳисобланган бўлса, шунга кўра хато ва камчиликларни мустақил бартараф этган субъектларга нисбатан 715,0 млрд. сўмлик молиявий жарималарни қўллашнинг олди олинди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 сентябрдаги 595-сонли қарори билан солиқ тўловчиларни ҚҚС тўловчиси сифатида маҳсус рўйхатдан ўтказишнинг инсон омили таъсири чекланган янги тартиби жорий этилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад инсофли солиқ тўловчиларни қўллаб-куватлаган ҳолда уларни хуфиёна иқтисодиёт билан шуғулланишни ўзига мақсад қилиб олган, қалбаки ва кўзбўймачилик учун тузилган битимларни амалга оширишни режалаштирган солиқ тўловчилар билан молиявий операцияларга киришишининг олдини олишга қаратилган.

Бунда солиқ тўловчилар ва уларнинг контрагентлари фақат ҚҚС тўловчи гувоҳномаси фаол бўлган ҳолатда ҚҚС суммасини ҳисбага олишга ҳақли бўлади.

Аризаларни кўриб чиқиш муддати 7 кун қилиб белгиланган, агар ариза ушбу муддатда кўриб чиқилмаса, гувоҳнома автоматик равишда берилади.

ҚҚС тўловчиларга берилган фаол ҳолатдаги гувоҳномалар ҳар куни автоматик равишда 18

та мезон (солиқ қарзи, раҳбар шахси, ҳисбот тақдим этиши, манзилда жойлашганлиги ва ҳ.к.) бўйича таҳлил қилиб борилади ва дастур томонидан солиқ тўловчи ҳеч бўлмагандан 1 та мезон бўйича солиқ хавфи юқори даражасига тушса, гувоҳноманинг амал қилиши автоматик равишида вақтинча тўхтатилади, шунингдек, солиқ тўловчи камчиликни баратараф этган тақдирда, дастурда гувоҳномани амал қилиши автоматик равишида тикланади.

Қайд этиш жоизки, ҚҚС тўловчиси гувоҳномасининг амал қилиши вақтинча тўхтатилган даврда солиқ тўловчи ва унинг контрагенти ҚҚС суммасини ҳисбага ололмайди.

Гувоҳноманинг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш, асосан, қуидаги ҳолларда амалга оширилади:

- солиқ қарзи мавжуд бўлганда, бунда икки ойдан ортиқ вақт давомида ҚҚС бўйича тўланмаган солиқ қарзи тушунилади;

- уч ойдан ортиқ вақт давомида молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмагандан (мавсумий фаолиятга эга шахслар мустасно);

- солиқ хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилар тоифасига тушганда.

Бунда солиқ тўловчи томонидан солиқ хавфи юқори бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар ва камчиликлар бартараф этилгандан сўнг ҚҚС гувоҳнома берилиши ва фаоллаштирилиши мумкин бўлади.

ҚҚС тўловчиларини рўйхатдан ўтказиш дастурий маҳсулоти Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрда қабул қилинган 595-сонли қарори асосида тадбиркорлик субъектларини инсон омилисиз солиқ хавфига қараб сегментлаш (паст, ўрта ва юқори) ва ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказишнинг янги тамоиллари 2021 йил 23 декабрдан электрон дастур орқали бажарилмоқда.

Солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетида “Менинг ҳолатимни текшириш” интерактив хизмати ишга туширилиб, ҳар бир тадбиркорлик субъектига ўзининг солиқ хавфи даражасини текшириб бориш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июнданги ПФ-162-сонли фармонига асосан солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчиларнинг ҚҚС бўйича маҳсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномасининг амал қилиши бу ҳақида солиқ органлари томонидан беш иш куни олдин хабарнома юборилгандан сўнг ҳамда мазкур муддатда камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда тўхтатиб туриш тартиби жорий этилди.

Субъектлар томонидан ҚҚС тўловчиси сифатида маҳсус рўйхатдан ўтиш учун ариза тақдим этиш ҳамда ушбу аризани солиқ органларида кўриб чиқиш тартиби:

Солиқ түловчи ихтиёрий ёки мажбурий тартибда танлаган ҳолда ариза тақдим этиши мүмкін. Мажбурий тартибда қандай ариза тақдим этади? Хусусан, Солиқ кодексининг 237 ҳамда 461-моддасига асосан ҚҚС тұлаш мажбурияты юзага келган корхоналар мажбурий тартибни танлаган ҳолда ариза тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндары ПФ-162-сонли фармони билан 2022 йил 1 июлдан мажбурий равища ҚҚС түловчиси сифатида эътироф этиладиган тадбиркорлик субъектларига ҚҚС бүйича маҳсус рүйхатдан ўтказилғанлыги түғрисида гувоҳнома солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб, автоматик равища бериш тартиби жорий этилди. Ушбу фармонга асосан мажбурий тартибда тақдим этилган аризаларга 1 дақықа ичиде автоматик тарзда ҚҚС гувоҳнома расмийлаштирилмоқда. ҚҚС гувоҳномаси берилгандан сүнг, дастур автоматлаштирилған таҳлил тизимида солиқ хавфи мезонлари бүйича текширади. Солиқ хавфининг юқори мезонлари аниқланса, 5 иш куни аниқланған камчилик сабаблари ва бартараф этиш йўллари кўрсатилған ҳолда хабарнома юборилади. Ушбу жараёнлар инсон омили чекланған ҳолда тўлиқ автоматлаштирилған тизим орқали амалга оширилади.

Ихтиёрий тартибда эса ҚҚС тұлашга ихтиёрий равища ўтмоқчи бўлған корхоналар томонидан ихтиёрий тартиб танланған ҳолда ариза тақдим этилади, бунда корхона кейинги ойнинг биринчи санасидан ҚҚС тұлашга ўтиши мүмкін.

1. Ариза тақдим этилган заҳоти автоматлаштирилған тизим 13 та юқори хавф мезони бўйича корхона фаолиятини таҳлил қиласи ҳамда улардан хеч бўлмаганды биттаси аниқланғанда ҳам ариза рад этилади, аниқланған камчилик ҳамда уни бартараф этиш йўллари кўрсатилған хабарнома ва аризани рад этиш қарорини шахсий кабинетга юборади.

2. Тизим томонидан камчилик аниқланманда, дастур томонидан субъект жойлашган ДСИнинг биринчи ўринбосари “ЭДО” дастурига аризачининг рүйхатдан ўтган манзилда ҳақиқатда мавжудлигини ўрганиш ҳамда белгиланған тартибда далолатнома расмийлаштириш бўйича 3 кун муддат билан топшириқ юборади.

3. Бир вақтнинг ўзида ДСБ масъул ходими 7 иш кунида корхонада товарлар номутаносиблик ҳолатлари мавжудлиги, солиқ ҳисоботларининг тўғри тақдим этилганлигини ўрганади ҳамда белгиланған тартибда далолатнома расмийлаштиради.

4. Ўрганишлар натижасида субъектда солиқ хавфининг юқори даражаси аниқланмаганда маҳсус рүйхатдан ўтказиш түғрисида, камчилик аниқланғанда аризани рад этиш түғрисида қарор ва хабарнома шакллантирилади ҳамда

шахсий кабинетга юборилади. Ушбу жараёнлар инсон омили чекланған ҳолда тўлиқ автоматлаштирилған тизим орқали амалга оширилади.

Қўшилған қиймат солиғини қоплаш тартиби эса қўшилған қиймат солиғи салбий фарқ суммасини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўшилған қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Низомга асосан ҚҚСнинг салбий фарқ суммасини қоплаш тўғрисидаги аризалар умумий ва тезлаштирилған тартибда кўриб чиқилади. Солиқ суммаси солиқ тўлашчига солиқ органининг солиқ суммаси ўрнини қоплаш тўғрисидаги қарори асосида солиқ суммасини қоплаш (қайтариш) тўғрисидаги ариза тушган санадан эътиборан олтмиш кундан, Солиқ суммасини қоплашнинг тезлаштирилған тартибida эса етти кундан кечиктирмай қайтарилиши лозим.

Қопланиши назарда тутилған солиқ суммасининг асосланғанлыги юзасидан солиқ органи камерал солиқ текширувни ўтказади. Камерал солиқ текширув солиқ органининг текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруғисиз амалга оширилади. Камерал солиқ текширув солиқ тўловчи томонидан ариза тақдим этилган кундан кейинги кундан бошланади ва эллик кунгача бўлған муддатда якунланиши лозим.

Солиқ суммасини қоплашнинг тезлаштирилған тартиби қуйидагиларга татбиқ этилади:

- белгиланған тартибда йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахсларга;

- солиқни қоплашга доир ариза билан бирга амалдаги банк кафолатини тақдим этган ёки солиқ органлари билан гаров шартномасини белгиланған тартибда расмийлаштирган солиқ тўловчиларга;

- экспорт ва унга тенглаштирилған операцияларни амалга оширадиган шахсларга;

- хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилған ташкилотлари;

- маҳсулот тақсимотига оид битим иштирокчиларига, агар бундай битимда ноль даражали ставка қўлланилиши назарда тутилған бўлса;

- солиқ мониторинги иштирокчиларига қоплаш белгиланган.

Хуласа ва таклифлар:

1. Юридик шахслар билан жисмоний шахслар ўргасида предмети ишлар бажаришдан иборат бўлған, тузилған фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга амалга оширилган тўловларга ишлатилган материаллар нархи ҳам қўшилған бўлса, ушбу ЖШнинг тадбиркорлик фаолияти давлат рўйха-

тидан ўтказилганлиги ва тегишли солиқлар ҳисобланишини текшириш.

2. Солиқ тұловчилар томонидан ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича суғурта мукофотларини тўлаш учун даромаднинг Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган қисми, суғурта бадаллари ўсиб бормайдиган тартибда тўланганлиги ва бир йўла тўланадиган суғурта суммаси шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ойдан сўнг олинганлик шартлари бажарилганлиги, мазкур банднинг шартлари бузилганда ёхуд шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда ва суғуртаси суғурта бадалини тўлиқ ёки қисман қайтарганда, қайtarилган суғурта бадали суғуртаси томонидан солиққа тортилганлигини текшириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартағи 255-сонли қарори билан “Сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилишга рухсатнома

бериш” бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламентига асосан ер ости сувларидан фойдаланиш учун рухсатнома олган ва ваколатли органлардан рухсатнома олмасдан, сувдан ноқонуний фойдаланаётган субъектларнинг фойдаланилган сув ҳажми тўғрисида маълумотини юритиш, назорат қилиш, сув ўлчагич асбобларини ўрнатиш ҳамда ўлчов асбоблари ўрнатилмаган субъектлар учун ер ости сувидан фойдаланишнинг лимитларини белгилаш ваколатини “Геология ва минерал ресурслар” органларига бериш ва Солиқ кодексининг 133-моддасига асосан мазкур ваколатли органга рухсатнома олган субъектлар тўғрисида ўн кундан кечиртирмай ва сувдан фойдаланиш учун рухсатнома олган ва рухсатнома олинмасдан ноқонуний сувдан фойдаланган субъектлар томонидан фойдаланилган сув ҳажми тўғрисида маълумотларни Давлат солиқ органларига 15 январдан кечиктирмай хабар қилиши шартлиги мажбуриятини юклаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Faafur Гулом нашиёт уйи, 2020. – 640 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. www.soliq.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

<https://president.uz/uz/lists/view/3324>(Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oly Majlis in 2020 25 January

4. Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. / Й.Шумпетер. – М.: Изд-во Эксмо, 2007. – 864 с.
5. Покровский А.К. Риск-менеджмент на предприятиях промышленности и транспорта. Учеб. пособие. / А.К.Покровский. – М.: Изд-во Кнорус, 2011. – 160 с.
6. Аронов А. ва Кашин В. Налоги и налогообложение. – М.: Магистр, 2007.
7. Жалонкина И. Модернизация механизмов взыскания налоговой задолженности в Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2012. С. 14.
8. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли. – Т.: Фан ва технология, 2008.
9. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1935. Т. 2. С. 343.
10. Андреева В.А. Повышение налоговой грамотности и культуры участников налоговых правоотношений. Экономика Интерактивная наука. 4 (14), 2017. Стр. 136-140.
11. Кузнецов А.Л. Налоговая политика и налоговые органы: реальное состояние, проблемы, перспективы (региональный аспект). 2016. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://vasilieva.narod.ru/zurnal/>
12. Qurbanov, Z., & Isaev, F. Иқтисодий баракарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 2017, (1), 321-328-б. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
13. Исаев Ф. Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. // Экономика и образование. 2021, (6), 86-91-б.

Извлечено от

<https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>

14. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланишини тақомиллаштириш. // Экономика и образование. 2021. №. 4. С. 172-176.

15. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. // Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организаций. 2017. С. 246-254.

16. Isaev, F. Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 2017, (6), 294-301-б. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579

17. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиши методикаси. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 2021.

18. Isaev, F. Мол-мulkни солиққа тортишини тақомиллаштириш. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 2021. (6), 326-333-б. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224

19. Исаев Ф. Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурати. 2022. Архив научных исследований, 2 (1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>

20. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // Экономика и образование. 2022. Т. 23. №. 4. С. 190-196.

21. Исаев Ф. Ресурс солиқлари таҳлилини ташкил этиши методикаси. // Iqtisodiyot va ta'lim. 2022. 23 (5), 171-176-б. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>

22. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.

23. Ikromovich, Isayev Fakhreddin. "Concept of economic analysis and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.

24. Ikromovich, Isayev Fakhreddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.